

ЎЗБЕКИСТОНДА PR КОММУНИКАЦИЯЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИНИНГ РОЛИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8078936>

М.Х.Хаитова

Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети
таянч докторантни

Аннотация

Мақолада PR коммуникациянинг жамият ҳаётидаги аҳамияти, PR коммуникацияларнинг ривожланишида ахборот хизматларининг роли, паблик рилейшнз атамасининг таҳлили, унинг алоҳида соҳа сифатида шакланиши, мамлакатимизда ахборот хизматларининг алоҳида мустақил соҳа сифатида ривожланиши босқичлари, жамоатчилик билан алоқалар тушунчаси, PR коммуникациянинг оммавий коммуникация билан фарқли ва ўхшашиб жиҳатлари таҳлил этилган.

Шунингдек, оммавий коммуникация таркибида паблик рилейшнз мақсадларига эришиши учун фойдаланиладиган кўплаб воситалар ҳамда уларнинг бир нечта йўналишларни тизимлаштириши бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берилган.

Таянч сўзлар

PR, паблик рилейшнз, коммуникация, оммавий коммуникация, жамоатчилик билан алоқалар, медиа, реклама, оммавий ахборот воситалари, ОАВ қонунчилиги ва професионализм масалалари, ахборот хизмати.

“Коммуникация” атамаси XX аср бошидан буён илмий атама сифатида қўлланилиб келмоқда. Ҳозирги вақтда коммуникация – турли коммуникатив воситалар ёрдамида турли каналлар орқали шахслараро ва оммавий алоқа шароитларида ижтимоий шартланган ахборот узатиш ва қабул қилиш жараёни сифатида изоҳланади.

“Коммуникация” атамасининг ягона, оммабоп изохи йўқ. Лотин тилидан олинган “communicatio” ва унинг ўзаги “communico” бир неча маъноларни билдиради. Коммуникация инсонлар ўртасидаги мазмун-моҳиятли ўзаро таъсир жараёни[1], деб ҳам талқин этилади. Ўзбек тилида эса хабар, умумийлаштираман, боғлайман деган маъноларни англатади.

Бироқ ҳар қандай хабар ҳам коммуникация бўла олмайди. Чунки узатилган ахборотнинг мазмун-моҳияти тушунарсиз бўлганлиги учун ҳам коммуникацион алоқа содир бўлмайди. Бу ахборот воситалари учун энг эътиборли жихат, мазкур воситалар орқали қайси ахборотни бериш билан бирга, уни қандай шаклда, тезлиқда, электрон техника воситаларида узатиш, қўрсатиш, эшиктириш жараёни ҳам ўрганилиши зарур ҳисобланади. Ахборотнинг тушунарли бўлиши, қабул қилиниши, унинг таъсирчанлиги, ишонарлилиги билан ажралиб туриши талаб этилади. Шу жихатдан мазкур соҳа мутахассислари коммуникацияни ўрганадиган фанлар каторида кинесика (қадимги грек тилида *κίνησις* – ўзбек тилида “харакат”. Инсон хатти-харакатининг оғзаки бўлмаган қўринишларида акс этишини ўрганиш), герменевтика (қадимги грек тилида *έρμηνευτική* – ўзбек тилида “талқин қилиш санъати”). Матнларни, шу жумладан, классик антик давр матнларини талқин қилиш ва тушуниш назарияси), семиотикадан (қадимги грек тилида *σημεῖον* – ўзбек тилида “белги”. Белгилар ва белгилар тизимларининг хусусиятларини ўрганадиган умумий назария) ҳам боҳбар бўлишлари тақозо этилади.

И.П.Яковлевнинг “Современные теории массовых коммуникаций” китобида коммуникация назариясининг тадқиқига турли ёндашувлар таҳлил этилган. Унда қўйидаги ёндашувлар санаб ўтилади: тизимли ёндашув – ахборот манбаси, ахборотни кодлаш, узатиш канали, шовқинлар, реципиент ва қайта алоқа; семиотик ёндашув – ахборот манбаси ва реципиентнинг ахборотни кодлаш ва декодлаш орқали мазмун-маъносини тушуниш; дискурсив ёндашув ва бошқалар[2]. Тадқиқотчининг таъкидлашича, айнан дискурсив ёндашув PR фаолияти учун муҳим бўлиб, жамоатчилик билан алоқаларда “ўйин қоидалар”ини белгилаб беради. “Дискурс – бу ижтимоий жараён... у маълум бир масала юзасидан далилларга асосланган баҳс маҳсулоти сифатида тадқиқ этилади”[3]. Шу жихатлар оммавий коммуникациялар таркибида PR коммуникациянинг алоҳида аҳамият касб этишини билдиради.

“Оммавий коммуникация – жамоатчилик манфаатига бевосита алоқадор бўлган ахборотни оммавийлик мавқеи даражасида узатиш тушунилади”[4], деб таъриф берилади илмий манбаларда. Нима учундир айнан оммавий коммуникация сўнгти йилларда янгича аҳамият касб эта бошлади. Мазкур масала бўйича илмий изланишлар олиб борган италиялик тадқиқотчилар П.Манчини ва Ф.Фаччолилар бунинг қўйидаги сабабларини қўрсатадилар:

Биринчидан, жамият равнақи ижтимоий институтлар фаолияти қўламини кенгайтирмоқда ва оммавий мулоқотга эҳтиёж ортмоқда.

Иккинчидан, фуқароларнинг ўз ҳукуқларини билиши ва уни ҳимоя қилишга қаратилган кучли ҳаракатлар шаклланмоқда, яъни ижтимоий фаоллик кучаймоқда.

Учинчидан, ОАВнинг янги электрон турлари шаклланиб, кенг жамоатчиликни қамраб олиш ва уларни хабардор қилиш имкониятлари ортмоқда. Ва энг асосийси, ижтимоий муҳит барпо бўлиб, унда турфа манфаатлар ва қарашлар ўз аксини топмоқда, ижтимоий рақобат шаклланмоқда.

П.Манчинининг эътирофига кўра, айнан “ижтимоий муҳит жамият турли тизимларининг жамоатчилик манфаати нуқтаи назаридан рақобатини шакллантириб, оммавий мулоқотнинг фаоллашувига туртки бўлади”[5]. Дарҳақиқат, рақобат ва турфа фикрлар мавжуд шароитда тараққиёт ва ривожланишга замин яратилади. Демак, ахборот алмашинувининг эркинлашуви, коммуникацион алоқанинг фаоллашуви жамият тараққиёти учун муҳим.

Шу ўринда мамлакатимизда сўнгги беш олти йилда амалга оширилган ислоҳотлар натижасида фуқароларимизнинг ахборотга бўлган эҳтиёжи нафақат давлат ОАВ орқали балки оммавий коммуникациянинг янги воситалари орқали қондирила бошланди. Бу эса ОАВ ўртасида соғлом рақобат муҳити юзага келишига сабаб бўлди ҳамда бунинг натижасида ахборот майдонида сифатли контент яратила бошланди. Энг асосийси ахборот тақдим этилишининг тезкорлиги бир неча баробар ошди. Бу эса оммавий коммуникация демократик тамоӣиллар қарор топган жамиятдагина тўлиқ маъно касб этишининг исботи ҳисобланади.

Жумладан, коммуникацияга асосланган соҳаларнинг ҳуқуқий асослари мустақкамланди. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майда қабул қилинган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунида[6] Ахборот хизматларининг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 17 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ахборот хизматлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 125-қарорида[7] давлат ва хўжалик бошқаруви соҳасида очиқлик ва шаффофликка асосланган самарали қарорлар қабул қилиш тизимини жорий этиш, ахборот олишда мансабдор

шахсларнинг жамият олдидаги ҳисобдорлиги, очиқлиги ва масъулиятини таъминлаш вазифалари белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори [8] мазкур соҳани янада ривожлантиришда ғоят муҳим қадам бўлди.

Демак, юқорида қайд этилган қонун, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ахборот хизматларининг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

Мазкур қонун ва қарор ижросини таъминлаш мақсадида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Журналистика факультетида, Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникатсия университетида, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика факультетида, Қорақалпогистон давлат университети Журналистика бўлимида “Ахборот хизматлари” фани ўқитилимоқда. Мазкур олий таълим муассасаларига 2019-2020 ўкув йилидан эътиборан Ахборот хизматлари йўналишида ҳам аббитуриентлар қабул қилина бошлагани, шу соҳада кадрлар тайёрлашга ихтисослаштирилган факультетлар ташкил этилаётгани муҳим воқелиқдир.

Бўлғуси журналистлар жамоатчилик билан алоқалар (PR) фани назарияси ва амалиётини, Ахборот хизматини маҳсус курс орқали ўрганиш билан бир қаторда республика етакчи ташкилотлари, вазирликлар, сиёсий партиялар ва бошқа идораларнинг Ахборот хизматларида маҳорат сирларини ўзлаштиримоқдалар. Республикамиздаги қатор ташкилотларнинг Ахборот хизматларида ҳозирги вақтда мазкур ўкув даргоҳидан этишиб чиқкан кадрлар самарали фаолият қўрсатишмоқда.

Зеро, “Демократик ўзгаришларнинг чуқурлашиши, бозор муносабатларининг ривожланиши, инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларидағи рақобат, жамоатчилик билан алоқалар касбини ижтимоий жараёнларни тартибга солиш, ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг муҳим омилига айлантиради”, деб таъкидланилади “Матбуот хизматини ташкил этиш учун қўлланма”[9]да.

“Паблик рилейшнз” фан сифатида бугунги кун жамиятининг коммуникациялар, яъни алоқалар маконини шакллантиришни ўрганади. Айнан бугун жамиятдаги вазият қўп жиҳатдан коммуникацияларнинг қанчалик фаол шаклланганлигига боғлиқдир. Иқтисодиёт, сиёsat, ижтимоий

соҳаларда мазкур коммуникацион алоқаларнинг мавжудлиги бу тизимлар тараққиётини белгилаши шубҳасиз. PR фаолияти эса мазкур соҳаларнинг ҳаммасига даҳл қилиши, уларнинг самарали фаолиятини таъминлаши мумкин. Асосийси, PR коммуникация режавий фаолият асосида олиб борилади.

PR коммуникация бугунги кунда ижтимоий коммуникация таркибидаги ҳал этувчи асосий унсурдир. Негаки, PR коммуникация нафакат муҳим ахборот тарқатиш билан чекланади, балки мазкур ахборот воситасида рицепиентга таъсир этиш, унинг муносабатини ўзgartириш ҳамда маълум ҳаракатга даъват этишни кўзда тутади[10].

Г.Г.Поченцов ўзининг “Коммуникация назарияси” дарслигида коммуникация деганда “вербал ахборотни новербалга ва аксинча новербални вербалга қайта кодлаштириш жараёни”[11]деб изоҳлаган. PR фаолияти мазкур жараённи муваффақиятли олиб боришни ўргатади. Коммуникация учун яратиладиган PR-ахборот, PR-матн ҳамда PR-кампаниялар маълум қоидалар ва режа асосида ишлаб чиқилади ва узатилади. Қўйида америкалик олим Г.Лассуэлнинг 1948 йилда ишлаб чиққан беш унсурдан таркиб топган коммуникация жараёнининг оддий ва содда шаклига эътибор беринг[12].

1. Ким (ахборотни етказади)? – алоқа ўрнатувчи;
2. Нима (тақдим этилади)? – ахборот, маълумот;
3. Қай тарзда (ахборот узатилади)? – канал;
4. Кимга (ахборот йўналтирилган) – аудитория, жамоатчилик;
5. Қандай натижা? – самарадорлик.

Коммуникация самарадорлиги жамоатчилик билан алоқаларни ўрнатиш жараёнининг асосий кўрсаткичлари ҳисобланган бир қатор омилларга боғлиқ. Масалан, эътиборли алоқачини топиш, таниқли каналларнинг бирида жамоатчилик дикқатини тортадиган ахборотни узатиш, самарали икки томонлама алоқани ўрнатиш мумкин. Бироқ ахборотнинг манбадан уни оловчисига етиб бориш жараёнида кўп тўсиқлар бўлиши мумкин. Расмий сиёсий цензура, муҳаррир томонидан амалга ошириладиган норасмий цензура каби тўсиқларнинг ўзи ахборотнинг мазмунан ўзгаришига олиб келиши мумкин. Шунингдек, ахборотни жамоатчилик томонидан қабул қилинишида турли ижтимоий гурухларнинг позицияси ёки уларнинг онгида шаклланиб ултурган қадриятлар ҳамда тамойиллар асосида ахборотни танлаш хусусияти ҳам маълум роль ўйнайди. Негаки, кўп ҳолларда айнан шу тамойиллар ва қадриятлар жамоатчилик онгига таъсир ўтказиши, уни

бошқариш, бошқача қилиб айтганда, коммуникациялар самарасини белгилаб беради.

Аслида паблик рилейшнзда ахборот стратегиясининг ҳамма унсурларини топиш мумкин: ташвиқот, паблисити, реклама, ахборот менежменти ва ҳоказо. Бу амалларнинг барчаси бугунги кунда паблик рилейшнз тизимини ташкил этиб, омма билан икки томонлама мулоқот ўрнатиш учун сафарбар этилмоқда. Бирок бу ахборотларнинг ўзига хос жиҳати бор, у ҳам бўлса уларнинг янгилик талабига мос келиши.

Мутахассислар фикрича, ахборот янгиликдан вакт омилига кўра фарқланади. Лекин журналистика илми ва амалиёти доирасида бу икки тушунчанинг шубҳасиз, бир ҳил аҳамиятга эгалигини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки умуман журналист ахборотини янгиликсиз, янгиликни эса ахборотсиз тасаввур этиш қийин. Аммо журналистика соҳасидан ташқарида: ҳар қандай янгилик ахборийдир, ҳар қандай ҳабар янгилик бўлмайди, деган фикрни маъқуллаш керак бўлади[13].

Паблик рилейшнз тизимидағи ахборот эса, ўзининг таъсирчанлиги, оммавийлиги, аҳамиятлилиги нуқтаи назаридан янгилик талабларига мос бўлиши керак. Шунингдек, бу каби ахборотлар устида ишлаш ва уларни узатиш борасида PR фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари мавжуд.

1906 йилда Айви Ли “Тамойиллар декларацияси” асарини нашрдан чиқарди. Бу асар дастлаб матбуот хизмати ходимининг фаолиятини жамоатчиликка яқинлаштирган бўлса, айни вактда янги касбни жамият учун жуда зарур бўлган жиҳатларини қўрсатди.

Декларацияда шундай дейилган: “Бу сирли матбуот-бюроси эмас. Бутун ишимизни очик-ойдин бажарамиз. Бизнинг вазифамиз янгиликлар етказиб бериш. Бу тарғибот агентлиги эмас. Бирон-бир материалингиз ташвиқот бўлимига тўғри келади, деб хисобласангиз, унда мурожаат қилманг. Бизнинг ишимиз – аниқлик. Биз юқорида эслаб ўтилган фактларни шахсан текшириш учун ҳар бир муҳаррирга жону дилимиз билан ёрдам берамиз. Қисқаси, мақсадимиз шундан иборатки, биз ишchan доиралар ва ташкилотлар номидан АҚШ жамоатчилигини қизиқтирган маълумотларни матбуотга очик-ойдин бериб борамиз”[14].

Демак, жамоатчиликни қизиқтирган янгиликларни ОАВга бериш, очик, ошкора коммуникацион мулоқат ўрнатиш PR хизматлари вазифаси экан, бу борада улар қандай амаллар бажарадилар, мазкур янгиликларни қандай қўриниш ва услугда узатадилар, бундан қандай самара қўрадилар, деган саволлар кўндаланг туриши табиий. Негаки, ахборот воситасида бошқариш

замонавий дунёнинг асосий мезони бўлаётган айни даврда шу жиҳатларни ўрганиш жуда муҳим.

Паблик рилейшнз оммавий мулоқотнинг бир кўриниши. Бу жараёнда ҳам ахборот муҳим омил ҳисобланади. Замонавий ахборот бозорида PR хизматлари ижтимоий аҳамиятга молик ахборотларни тайёрлаш ва тарқатиш билан шуғулланадилар. Пресс-релиз, дайджест, буклет, проспект, бюллетенлар чиқаради, матбуот конференциялари, пресс-турлар, брифинглар, журналистлар билан сұхбатлар ташкил этади ҳамда мамлакат ва чет эл ОАВга янгиликларни етказадилар. Шунингдек, оммавий ахборот воситаларидағи материалларни, ўзлари фаолият кўрсатаётган идоралар доирасидаги органлар, институтлар, муассасалар ва тузилмаларнинг раҳбарлари учун таҳлил этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 февраль куни қабул қилинган "Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникатсияларни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида[15] "Давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва ташкилотлари матбуот хизматларининг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги етарли даражада йўлга қўйилмаган"и қайд этилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникатсиялар агентлиги зиммасига давлат органлари ва бошқа ташкилотларга улар фаолиятининг очиқлигини таъминлашда, давлат хизматчиларига оммавий ахборот воситалари билан очик, оммавий ўзаро ҳамкорлик қилиш маданиятини сингдиришда, шу жумладан, уларнинг Ахборот хизматлари (жамоатчилик билан ишлаш бўйича бўлинмалари) фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий жиҳатдан таъминлаш орқали кўмаклашиш вазифаси ҳам юклатилди. Бу вазифалар тўла-тўқис бажарилиши учун аввало ҳар бир вазирлик, идора, муассаса ва ташкилотнинг Ахборот хизматлари ҳам масъулдирлар.

Ахборот хизматининг асосий вазифаларидан бири – ташкилотнинг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантиришдан иборат экан, бунда оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик ҳамда парламент назоратини таъминлаш, давлат ва жамоатчилик ўргасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Юртимизда ОАВнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш, фуқароларнинг ахборотни эркин ва монеликсиз олиш ҳамда фойдаланиш ҳуқуқларини

амалга ошириш, ахборотнинг муҳофаза қилиниши, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Соҳадаги изчил ислоҳотлар жараёнида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, барча вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларида ахборот хизматлари ташкил этилиб, улар фаолияти давр талаби асосида йўлга қўйилмоқда.

Шу ўринда “PR тадбирларини амалга оширишда асосий эътиборни нимага қаратмоқ керак?”, деган савол туғилади. PR кампанияларини амалга оширишдан мақсад - аудиторияда фикр уйғотиш ва уни маълум бир фаолиятга ундаш. Бунинг учун қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор бериш керак: қадриятлар, эҳтиёж (талаблар), манфаатлар, муносабатлар, фикр ва амалий ҳаракат[16].

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, қадриятлар эҳтиёжларни бошқаради, ўз навбатида манфаатдорлик шаклланади, муносабатларга таъсир этади, фикр уйғонади ва унга мувофиқ ҳаракат амалга оширилади. Инсонларни маълум бир ҳаракатга зудлик билан даъват этиш самарасиз эканлигини мутахассислар эътироф этишади ва аввал қадриятлар ва уларга бўлган эҳтиёжни ўрганиб, муносабатларни шакллантириш, фикр уйғотиш ҳамда амалий ҳаракатга даъват этишни маъқул деб ҳисоблайдилар. Умумий хулоса шуки, PR тадбирининг таъсири ҳаракатга олиб келувчи занжирнинг энг аввалгисидан бошланса, натижা самаралироқ бўлади.

Ахборот хизматлари томонидан ташкил этиладиган PR тадбири – ахборий коммуникатив жараён бўлиб, уни амалга оширишда бир қатор талаблар мавжуд. Талаблардан бири – “Ёлғон гапиргандан кўра, умуман гапирмаган маъқул”. Яна бир талаб – мунтазамлик. Бир маротабалик акция билан жамоатчилик фикрини ўзgartириб бўлмайди. Реклама қоидаларига кўра, З маротаба берилган эълонга жамоатчилик эътибор қаратар экан. Яна бири – ижодий ёндашув, креативлик. Маълум қилинаётган ахборотнинг мазмуни (нимани гапириш?), тузилиши (қандай гапириш?) ва шаклини (ғояни қандай ифодалаш?) ижодкорлик билан ишлаб чиқиш керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Основы теории коммуникации. Учебник / Под ред. М.А. Василика. - М.: Гардарики, 2003. С.10.
2. Яковлев И. П. Современные теории массовых коммуникаций. - СПб.: Роза мира, 2004. С.24-25.

3. Яковлев И. П. «Круги» коммуникационных теорий // PR-диалог. № 5-6, 2000. С.34.
4. Кривоносов А.Д. PR-текст в системе публичных коммуникаций. – СПб.: Петербургское Востоковедение, 2002. С.12.
5. Кривоносов А.Д. PR-текст в системе публичных коммуникаций. – СПб.: Петербургское Востоковедение, 2002. С.13.
6. <https://lex.uz/mobileact/2381133>
7. <https://lex.uz/docs/3561681>
8. <https://lex.uz/docs/4390513>
9. Матбуот хизматини ташкил этиш учун қўлланма. -Т.: Адолат, 2006. 4-5 б.
10. Иванова К.А. Бесценные советы для настоящего PR-менеджера. Устная коммуникация. – СПб.: Питер, 2006. С.4.
11. Поченцов Г.Г. Теория коммуникации - М.: Рефл-бук Ваклер, 2001. С.14.
12. Лассуэл Г. Структура и функции коммуникации в обществе. - М., 2000. С.131-134.
13. Ирназаров К.Т., ва б. Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти. -Т., 2002. 34-б.
14. Блэк С. Введение в паблик рилейшнз. - Ростов-на-Дону, 1998. С.65.
15. <https://lex.uz/docs/4188795>
16. Алёшина И.В. Паблик рилейшнз для менеджеров. - М.: ГАУ, 2000. С.72.